

# ЯНГИ 2003 ЙИЛИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!




# ЎЗБЕКИСТОНДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ
# ЗДРАВООХРАНЕНИЕ УЗБЕКИСТАНА


«Шифокорнинг кўзи лочиндек ўткир, қўллари қизларнинг қўлларидек майин, ақли илон каби донишманд, қалби шерникидек довюрак бўлиши керак».

«Врач должен обладать глазом сокола, руками девушки, мудростью змеи и сердцем льва».

*Абу Али ибн Сино.*




Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган. № 52 (308) 2002 йил 29 декабрь – 6 январь. Сешанба кунлари чиқади. Сотувда эркин нархда.


## ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИКЛАРИ

***АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!***

*Бугунги кунда тиббиётимизнинг асосий мазмуни ҳам, тараққиёти-ю, бажарилаётган ишлар кўлами ҳам шифокору ўрта тиббиёт ходимларининг жўшқин меҳнати самарасидир. Шунингдек, улар – жамиятнинг ойдин кўзгусидир. Шу боис, республикамиздаги барча тиббиёт ходимларини, уларнинг оила аъзоларини ва жамики ватандошларимизни кириб келаётган янги 2003 йил билан самимий қутлайман. Сизларга Ватан равнақидаги хизматларингизда, халқимизнинг фаровонлиги, тинч-осойишталиги, соғлик-саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида олиб бораётган шарафли ишларингизда каттадан-катта зафарлар тилайман.*

*2003 йил, яъни Обод маҳалла йилида сизларга сиҳат-саломатлик, эзгу ниятлар ҳамроҳингиз бўлишини истаб қоламан. Янги йилингиз муборак бўлсин!*

***Феруз НАЗИРОВ,***
***Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири.***

*Биз Янги йил байрамининг «Обод маҳалла йили» билан уйғунлашиб кетаётганлигини ва янгича мазмун-маъно кашф этаётганлигининг шоҳиди бўлиб турибмиз. Янгича руҳ билан йўғрилган айёмингиз ислоҳотлар берган самаралар, тиббиёт соҳасида ташланган қутлуғ қадамлар, тафаккуримизда рўй бераётган ўзгаришлар кўригига, намойишига айланади десам асло хато қилмаган бўламан. Бугун шунга амин бўлдимки, тинчлик ва барқарорлик, сиҳат-саломатлик инсон учун нақадар зарур. Бу неъматлар инсоннинг чинакам бойлиги.*

*Имкониятдан фойдаланиб, сизларни Янги йил билан муборакбод этаман. Кириб келаётган бу муборак айём Ватанимиз обрўсига обрў қўшишига, шон-шуҳрати янада зиёда бўлишига, халқимиз дастурхони тўкин, қутли-баракали бўлишига ишонаман. Чунки халқимизнинг нияти холис, орзуси пок, меҳнати ҳалол.*

*Барчангизга Яратгандан мустаҳкам соғлик, бахт-саодат, Ватан равнақи йўлидаги ишларингизда ривож тилайман.*

***Маряш ТУРИМБЕТОВА,***
***Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири.***

*Дорогие друзья и коллеги, пользуясь возможностью газеты «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана», я хочу от всего сердца поздравить всех вас и ваших близких с наступающим Новым 2003 годом. Пусть Новый год принесет в ваши дома счастье и здоровье, успехи в работе, пусть в Новом 2003 году свершатся все ваши лучшие надежды и желания.*

*Уходящий год был годом многих свершений и событий, в которых работники здравоохранения принимали самое активное участие, ведь они являются представителями нашей интеллигенции и пользуются заслуженным уважением. Надеюсь, что и в Новом году они будут работать еще больше и лучше, ведь сейчас идет реформа всей системы здравоохранения, которая направлена на улучшение оказания медицинской помощи. Здоровье народа – это богатство нашей страны, так давайте же будем еще лучше его беречь и приумножать, пусть наши люди, покидая больницы или поликлиники, отзываются о нас только с теплом и добротой.*

***Ю. И. КАЛИШ,***
***заслуженный работник здравоохранения Узбекистана, заведующий отделением Научного центра института хирургии им В. Вахидова Министерства здравоохранения Республики Узбекистан***



***Бугундан бошлаб, яъни 3 кун давомида Ўзбекистон миллий консерваториясининг муҳташам биносида Президент арчаси болажонларга олам-олам қувонч бағишлайди.***

# С НАСТУПАЮЩИМ НОВЫМ 2003 ГОДОМ!

*Бир олам тилакка ҳамоҳанг бўлиб,*
*Остонамиз ҳатлаб келар янги йил.*
*Энтиккан юраклар ўйларга тўлиб,*
*Термулиб қоламиз — кетар эски йил.*

**Ушбу шеърнинг мазмун ва моҳиятини тушуниб етгандирсиз. Шундай экан, таҳририятимиз ходимлари ҳам 2002 йил билан хайрлашган ҳолда янги йил арафасида дил изҳорлари билан ўртоқлашдилар.**

# ДИЛДА КЕЧГАН ФИКРЛАР



**Субҳонкул ОРИПОВ, «Ўзбекистонда Соғлиқни сақлаш — Здравоохранение Узбекистана» газетасининг бош муҳаррири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор.**

– Қаранг-а, кунлар ойларга уланиб, оқар дарё каби ушбу йилимиз ҳам якунига етди. Мана, 2003 йил ҳам эшик қоқиб кириб келмоқда. Ана шундай кезларда, сарҳисоб вақти ютуқ, камчилик ва муаммоларни кўриб, ишнинг нечоғлик амалиётдаги ўрни ўз мавқеини кўрсата олганига амин бўламиз.

Халқ саломатлиги йўлида хизмат қилаётган сиздек азиз шифокору ҳамшираларимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Шарафли касб эгалари – тиббиёт ходимларини ва таҳририят жамоасини яқинлашиб келаётган янги 2003 йил билан чин қалбимдан қутлайман. Оилангизга тинчлик-тотувлик, бахт ва фаровонлик тилайман! Машаққатли касбингизда сизларга сабр-бардош, куч-қувват ва мустаҳкам соғлик доимо ҳамроҳингиз бўлишини истаб қоламан.



**Миржалол МИРАЛИЕВ, бош муҳаррир ўринбосари.**

– Ўтган йилнинг сўнгги ойларида дардим кучайиб, тўшакка михланиб қолган эдим. Ўша кунлари Парвардигор оламга астойдил ёлвориб дардимга шифо сўраганимдан, илтижоларим ижобат бўлиб, соғ-омон янги йилга қадам қўйдим. Аллоҳга беадад шукурлар бўлсинки, 2002 йил бир қадар тинчлик, хотиржамлик, саломатлик билан ўтди. Илоҳим келгуси 2003 йил ҳам ҳар биримизга сиҳат-саломатлик, тинчлик-омонлик, хонадонимизга кут-барака, фаровонлик ато этсин. Газетамиз муштарийлари сони кўпайсин. Ҳозир ўқувчини зўрлаб обуна қиладиган замон эмас. Ҳар ким ўзига ёққан газета-журнални севиб ўқишга интилади. Холис ниятимиз газетамиз тахлами ҳар бир шифо масканида мавжуд бўлса, шифокору ҳамширалар ундан баҳраманд бўлиб, ўзлари учун барча зарур маълумотларни топишга мушарраф бўлсалар.

Янги йилга қадам қўяр эканмиз, дилда биргина эзгу тилак – тинчлик, фаровонлик, хотиржамлик ва инсон учун энг азиз бўлган сиҳат-саломатлик барчамизни сира тарк этмасин. Янги йил ҳар биримизда ижодий жўшқинликни жўш урдириб азиз муштарийлар дилини хушнуд этадиган янгиликларга бой бўлсин.



**Ибодат СОАТОВА, ижрочи муҳаррир.**

***– Ҳаётимдаги шиорим:*** «Эътиқодда ва ҳаётда ҳалол яшамоқ!».

***Фаолиятимдаги мақсадим:*** «Халқ билан ҳамнафас бўлмоқ, халқнинг фикри – менинг фикрим, халқнинг дарди – менинг дардим».

**Эзгу ниятим:** «Ҳар қачон ёлғончи-мунофиқ ва нокаслардан йироқ бўлиш. Тоабад яхшилар хизматида бўлиб, эзгулик уруғини сочиш».

**Янги йил тилакларим:** Янги йилимиз ҳар бир хонадонга яхшилик олиб келсин. Юрагингиз тубидаги эзгу ниятларингиз амалга ошсин.



**Пулат МИРПУЛАТОВ, зам. редактора.**

– Дорогие наши читатели, от лица редакции я хочу поздравить всех вас и ваших близких с наступающим Новым 2003 годом. Пусть Новый год принесет вам счастье и здоровье, пусть в ваших домах будет достаток и покой.

В уходящем году многое было сделано, но еще больше мы должны сделать – и все это мы можем сделать – только сообща и своим трудом. Так давайте же в Новом году добьемся еще больших успехов на благо нашей Родины и нашего народа, а в этом вам постоянно будет помогать наша газета, ведь наши читатели – это наша аудитория, которой мы можем и должны сказать о всех успехах и недостатках повседневной жизни нашей республики. Главное пожелание вам – это чтобы наша с вами аудитория стала еще больше. Мы получаем письма от читателей, и это нас радует, значит, наши публикации не проходят незаметно. Значит, что-то в газете волнует вас.

Дорогие друзья, пишите нам обо всем, что бы вы хотели узнать, о том, что вас волнует, и мы будем рады удовлетворить ваши желания.

С Новым годом, друзья!



**СИДЕЛЬНИКОВА Людмила Ивановна, главный бухгалтер.**

– Дорогие соотечественники, от имени редакции поздравляю с Наступающим Новым годом! Желаю вам крепкого здоровья, благополучия, трудовых успехов. Чтобы в Новому году больше подписались на нашу газету. От вашей подписки зависит наше финансовое положение.



**Холмурод РАББАНАЕВ, катта мухбир.**

– Ушбу якунланаётган йилимиздан кўнгиллар хотиржам, диллар шод десам асло хато қилмаган бўламан. Чунки ана шундай ҳаяжонли дамларда таҳририятимизда улкан ишлар амалга оширилганлигининг шоҳиди бўлиб турибмиз. Бу фақатгина бир-икки кишининг эмас, балки бутун жамоанинг меҳнат маҳсулидир. Шу боис, мен шундай касбдошларим билан ҳамкорликда, ҳамфикр бўлиб фаолият кўрсатаётганимдан ниҳоятда хурсандман.

Янги йил ҳар биримизга оламолам шодлик, бахт-саодат олиб келсин. Хонадонингизга кут-барака, оилангизга тинчлик-хотиржамлик, хайрли ишларимизни давом эттиришда Сизларга Оллоҳдан куч-қувват, соғлик-саломатлик, бардамлик тилайман. Жамики эзгу ниятларингиз янги йилда ижобат бўлсин. Янги йил ёш авлод учун баркамоллик, оналаримиз учун эса саломатлик йили бўлсин.



**Татьяна ПОДГУРСКАЯ, корректор.**

– Дорогие читатели!

Вот и заканчивается старый год – уходят в прошлое все радости и неприятности, связанные с ним. Вот и дождались мы Нового 2003 года. Дай Бог, чтобы он нам принес только хорошее, доброе, чтобы никто не болел, чтобы не было одинокой старости, чтобы люди не воевали друг с другом, чтобы всегда смеялись дети. Конечно, не все зависит только от нас. Но мы тоже можем быть немного волшебниками для наших близких и не очень близких, и даже совсем далеких. Просто надо относиться друг к другу как к самому себе. И мир вокруг начнет меняться. Вы увидите столько удивленных и счастливых глаз и в ответ получите столько любви, что любые неприятности и даже болезни начнут отступать. Ведь давно известно, что любовь побеждает все... Давайте в Новом году будем счастливы, будем здоровы. Будем друг другу помогать. Вы, наши читатели, – своими письмами с критикой и просьбами поможете сделать нашу любимую газету полезной и интересной. А мы сделаем все, что зависит от нас, чтобы у вас дома был приятный и умный собеседник – газета «Здравоохранение Узбекистана».

С Новым годом!

**Нигора УЗОҚОВА, таҳририят девони бекаси.**

– Йил давомида ҳаракат қилдимки, 8-саҳифа материалларини доимий бойитишда. Билмадим, сизнинг қалбингиздан ўрин ололдимми, ололмадимми буниси менга аён эмас? 2003 йилдаги режаларим янада улкан. Энди айнан бир саҳифани эмас, балки барча саҳифаларни ўқимишли, қизиқарли материалларга бой бўлишида бор маҳоратимни ишга солишга ҳаракат қиламан. Янги йилингиз қутлуғ бўлсин!

**Шаҳнозахон АБДУАЗИМОВА, мусаҳҳиҳ.**

– Тўғри, энг асосийси газетанинг сифатини арзимаган хато бузиб қўйиши ҳеч гап эмас. Шу боис, ана шундай хато ва камчиликларни тезда англаб олиб, маҳоратимни ишга солган ҳолда газетамизни ўқувчилар қўлига сифатли ва ўқимишли ҳолда етиб боришида озми-кўпми ҳиссам борлигидан фахрланаман.

Янги йилимиз ҳар бир хонадонга қувонч келтиришини истаб қоламан.



**Шахноза САБИРОВА, корреспондент.**

– Что принесет нам год грядущий? Все мы живем в ожидании крутых перемен, в надежде обрести три главные вещи: счастье, богатство и любовь. Счастье – когда рядом наши родители и близкие люди, главное богатство – это здоровье, любовь приходит неожиданно и меняет все вокруг.

Хочу всем пожелать найти эти необходимые составляющие нашей жизни. Чтобы все горести, печали и обиды остались в прошлом.

И еще помните, что залог вашего здоровья – душевный покой, а лучшая панацея от всех бед в простых человеческих истинах – проявлении любви, добра, дружелюбия, искренности и прощения.



**Асен НУРАТДИНОВ – фотомухбир.**

– Мана, бир йил давомида газетада фаолият кўрсатиб келяпман. Суратга олаётган ҳар бир расмларни жонли равишда тасвирга туширишга ҳаракат қилдим. Одамларнинг кўнглини топиш осон эмас. Шу боис, гоҳида ишимизда ўзига яраша қийинчиликлар ҳам бўлиб туради. Лекин ҳозирча танлаган касбимдан нолиганим йўқ.

Эски йилни кузатар эканмиз, Янги 2003 йилда ўзгача ғайратшижоат билан ишлаш завқи билан яшамоқдаман. Янги йил ҳамма-ҳаммамизга бахт-саодат, кут-барака, шодлик келтирсин.



**Рашид ОРТИҚОВ, мухбир.**

– Янги йилни барчамиз орзиқиб кутамиз. Бу оилавий байрамга бир ҳафта олдин тайёргарлик кўрамиз. Инсон қизиқ. Янги йил кечасини хурсандчилик билан қаршилайди.

Яна бир йилимиз шамолдек елиб ўтди-ю, кетди. Яна бир йилни бой бериб қўйдик. Олий ҳакам вақт олдида ожизлигимизни тан олиб, эски йил билан жимгина хайрлашиб қолмоқдамиз.

Бошланаётган янги 2003 йилда вақтимизни фойдали ва эзгу ишларга сарфлашни истаган ҳолда, оилам даврасида янги йил кутиш учун арча безатмоқчиман. Шунинг учун ҳам бу байрамни севаман. Ҳаётдан мазмун, шодлик ва бахра олиб яшаш ҳаммага насиб этсин!

«Саломатлик» лойиҳаси

Project «Health»

Правительство Республики Узбекистан



ПРОЕКТ: "Здоровье"

ПРОЕКТ В СТАДИИ РЕАЛИЗАЦИИ № 30

Международный банк реконструкции и развития

29.12.2002

# ЭЗГУ НИЯТ ВА ТИЛАКЛАР

## РЕФОРМА МЕДИЦИНСКОЙ ПОМОЩИ



**Джамшид Джалалович МАКСУМОВ, директор ЦБРП «Здоровье».**

***— Каковы основные причины создания проекта «Здоровье»?***

— Анализ демографической структуры населения и его здоровья выявил необходимость в расширении медико-санитарного просвещения и первичных медико-санитарных услуг, направленных на охрану материнства, на иммунизацию населения, лечение заболеваний детского возраста, в особенности в сельских районах, где проживает около 70 процентов населения.

Система здравоохранения носила комплексный и экстенсивный характер. Распределение ресурсов между областями производилось в зависимости от наличия определенных основных и оборотных фондов (учреждения и персонала), а не от демографических показателей, состояния здоровья населения и показателей работы медицинских учреждений. Принятый в советское время упор на более дорогое специализированное и стационарное лечение приводил к повышению затрат на здравоохранение. Во всем мире лишь в странах бывшего Советского Союза и в Соединенных Штатах Америки большая часть врачебного персонала получает подготовку как врачей-специалистов, а не как врачей общей практики.

Проблема низкого качества характерна для многих элементов системы здравоохранения: медицинские кадры (врачи и средний медицинский персонал) плохо подготовлены, схемы лечения и медицинская информация устарели, наблюдалась нехватка основного оборудования для диагностики и лечения заболеваний, запасы лекарственных средств и других ресурсов недостаточны для представления основных услуг первичной медико-санитарной помощи. Профессиональный статус врачей, предоставляющих первичные медицинские услуги, низок, а их роль в предоставлении и координации лечения незначительна.

Все вышеперечисленные факторы явились основными причинами реформирования первичного звена здравоохранения и послужили предпосылками создания проекта «Здоровье».

***— В чем Вы видите искусство управления?***

— Управление – это серьезная наука, требующая определенных навыков от руководителя. Тем более, когда она касается реформирования здравоохранения, где еще неизвестно, что тебя ожидает и какие будут результаты проводимых мероприятий. Мне кажется, в таких случаях искусство управления должно опереться на следующие факторы: 1. Достижение полного взаимопонимания и поддержки как среди специ-

**(Окончание на 4-й стр.)**

***Ҳа, азиз муштарийлар! Мана эски йилимиз ҳам биз билан хайрлашиш арафасида турибди. Янги йилимиз эса эшик қоқмоқда. Қаранг-а эски йилимиз ўз ўрнини янги йилга бўшатиб беришдан олдин далаларимизни оппоқ қорга буркаб, инсонларимиз қалбига беғуборлик уруғини сочмоқда. Зеро, янги йилда янгича кайфият билан ишламоқ ҳар биримизга насиб этсин. Ана шундай экан, яхши ният ва тилаклар ила биз газетамизнинг байрам сонида «Саломатлик» лойиҳаси доирасида меҳнат қилаётган мутахассислар билан суҳбатлашишни жоиз деб билдик.***

## ТАБРИКНОМА

Муҳтарам юртдошлар!

Сизларни ва оила аъзоларингизни кириб келаётган Янги 2003 йил билан қизғин ва самимий қутлаб, муборакбод этамиз. Юртимизнинг равнақи, тинч-осойишталиги, халқимиз саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида олиб бораётган шарафли аммо масъулиятли ишларингизда омадлар тилаймиз. Ҳамиша икки неъмат ҳамроҳингиз бўлсин: бири – тани соғлиқ, иккинчиси – хотиржамлик.

Янги йилингиз қутлуғ келишига тилакдошмиз.

***«Саломатлик» лойиҳасини амалга ошириш бўйича марказий бюро.***

## МАҚСАДЛАРНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШ



**Фарҳод ФУЗАЙЛОВ, «Саломатлик» лойиҳасининг координатори.**

***– Ўтган давр мобайнида қандай ютуқлар қўлга киритилди?***

– «Саломатлик» лойиҳасини амалга оширишда эришилган ютуқлар, йўл қўйилган камчиликлар ва юзага келган муаммолар газетангиз саҳифаларида 3 йил давомида мунтазам равишда ёритиб борилмоқда. Шунинг учун лўнда қилиб гапирганда лойиҳанинг асосий мақсадига, яъни Фарғона, Навоий ва Сирдарё вилоятларининг қишлоқ аҳолисига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини оширишга эришилди, десак муболаға бўлмайди. Чунки бу мақсадларни рўёбга чиқариш учун асос яратилди, яъни вилоятларнинг аксарият қишлоқ врачлик пунктлари замонавий асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан жиҳозланди, ушбу масканларда ишлаётган врачлар ва ҳамшираларнинг малакасини аҳоли талаб даражасига кўтариш учун, улар махсус ўқув курсларида ўқитилди ва бу жараён давом этиб келмоқда. Шифокор ва ҳамширалар учун махсус қўлланмалар ва стандарт даволаш схемалари ишлаб чиқилди, замонавий ва кундалик иш учун зарур тиббий китоблар харид қилиниб ҳар бир қишлоқ врачлик пунктига етказиб берилди. Қолаверса жойларда ҳар бир тажриба вилояти учун ўқув маркази ташкил этилди. Ўқув марказларида шифокор ва ҳамшираларни узлуксиз равишда малакаларини ошириш учун барча имкониятлар яратилди.

***– Умумий амалиёт шифокорларининг бугунги кундаги роли?***

– Умумий амалиёт шифокорлари кенг кўламдаги мутахассис бўлиб, оила аъзоларининг маслаҳатчиси сифатида уларнинг таваллуд топган кунидан бошлаб, бутун ҳаёти давомида улар соғлиғига жавобгар инсон сифатда хизмат қиладилар. Улар оила аъзоларига биринчи тиббий ёрдам ва соғлом овқатланиш тартибларини ўргатган ҳолда, касалликни олдини олиш ва касаллик асоратлари ҳақида тушунтириш ишлари олиб борадилар, шунинг билан бир қаторда мавжуд бўлган бошқа муаммолар бўйича ҳам маслаҳатлар берадилар. Шунингдек, беморларга, унинг касаллик даврида ва соғайганидан сўнг қандай тартибда овқатланиш кераклигини, турмуш тарзини, жисмоний ҳаракат даражасини ва дори-дармонларсиз ўзига-ўзи ёрдам кўрсатиш йўлларини бемор тушуниб етганлигига ишонч ҳосил қилгунга қадар тушунтириб, сурункали касалликка чалинганларни назорат қилиб боради ҳамда уларга тўғри овқатланиш, турмуш тарзи, жисмоний меҳнат, бадан-

**(Давоми 4-бетда).**

**Фарғона вилояти Олтиариқ туманидаги 3-намунавий қишлоқ врачлик пункти.**



# С НАСТУПАЮЩИМ НОВЫМ 2003 ГОДОМ!



Лойиҳа доирасидаги асосий фаолият кўпроқ менежерлар зиммасига тушади.

«Саломатлик» лойиҳаси
Project «Health»
"Здоровье"
Правительство Республики Узбекистан
Международный банк реконструкции и развития
ПРОЕКТ В СТАДИИ РЕАЛИЗАЦИИ № 30

# ИСКУССТВО УПРАВЛЕНИЯ



**Мутал Расулович ТУРТАЕВ, координатор проекта «Здоровье».**

***— Говорят, что экономика является артерией государства. Как вы понимаете это в рамках проекта «Здоровье»?***

— Я согласен с тем, что действительно экономика является артерией государства. Тем более, в условиях рыночной экономики без обеспечения превосходства экономики над политикой невозможно обеспечить стабильность финансирования социальной сферы, особенно сферы здравоохранения. В условиях недостаточного финансирования отрасли здравоохранения, исходя из возможностей государственного бюджета страны, особое значение приобретают вопросы обеспечения населения доступной медицинской помощью. По рекомендациям ВОЗ, общие расходы на охрану здоровья населения должны составлять более чем 6% от валового внутреннего продукта. Однако этот показатель в республике не превышает 3,5%. В связи с этим, немаловажное значение имеют вопросы повышения эффективности выделяемого государством бюджета здравоохранения. Поэтому не зря одним из приоритетных направлений Государственной программы реформирования системы здравоохранения, утвержденной Указом Президента Республики Узбекистан от 10 ноября 1998 №2107, является развитие первичной медико-санитарной помощи. Одним словом, как населению республики, так и работникам здравоохранения, более выгодно заниматься профилактикой здоровья населения, чем лечением больного. Сегодня средняя стоимость одного посещения в СВП составляет примерно 200 сумов, а лечение одного больного в стационаре обходится для государства более чем 30,0 тыс. сумов. Проведение своевременных профилактических мероприятий по охране здоровья населения в полном объеме позволяет уменьшить уровень госпитализации населения в учреждениях специализированной медицинской помощи, снизить уровень смертности и инвалидности, что в конечном итоге увеличивает количество трудоспособного населения, которое будет поднимать экономику республики. Осуществление вышеперечисленных задач мы сегодня реализовываем в рамках проекта «Здоровье».

***— Какое место занимают в Вашей деятельности ежедневные изменения в рамках проекта «Здоровье»?***

— Ежедневные изменения, происходящие в рамках реализации проекта «Здоровье», продиктованы объективной необходимостью. Без изменения менталитета мышления работников здравоохранения будут возникать объективные трудности в успешной реализации данного проекта. Большую роль играет международный опыт реформирования первичного звена здравоохранения. В настоящее время реформа происходит как в мышлении специалистов здравоохранения, так и в осмыслении роли первичного звена здравоохранения. Реализация задач в рамках проекта «Здоровье» по вопросам совершенствования финансирования и управления первичным звеном здравоохранения нам позволяет выявить наши внутренние резервы для оказания качественной медицинской помощи населению с повышением эффективности использования выделяемых государством ресурсов. Сегодня можно сказать, что повышается роль учреждения первичного звена здравоохранения. Мне кажется, что происходящие изменения в реформировании первичного звена здравоохранения – это только начало реализации тех задач, которые предусмотрены в государственной программе. Нам предстоит сделать еще многое для внедрения обязательного медицинского страхования населения.

**— На какие принципы Вы опираетесь при достижении основных намеченных целей программы?**

— При достижении основных намеченных целей программы опираюсь на следующие принципы:

1. Коллегиальность. Все возникающие вопросы в ходе реализации проекта мы подробно обсуждаем на расширенном заседании рабочей группы с участием представителей Министерства здравоохранения, Министерства финансов, Всемирного банка реконструкции и развития в Узбекистане, облфинов и облздравов экспериментальных областей, ЦБРП «Здоровье» и ЮСАИД/Здравплюс. С начала реализации проекта «Здоровье» нами проведены 18 заседаний рабочей группы по вопросам совершенствования и управления первичным звеном здравоохранения, где обсуждены и приняты решения по более чем 72 вопросам.

2. Привлечение всех областных структур управлечия к реализации проекта. В настоящее время постановлением Кабинета Министров во всех экспериментальных областных хокимиятах и в республике созданы координационные группы по реализации проекта «Здоровье». Все вопросы и проблемы, возникающие в ходе реализации проекта, обсуждаются на заседаниях этих координационных групп;

3. Обеспечение приоритетности деловых качеств и повышение ответственности местных органов управления. В этом плане регулярно проводятся анализ и мониторинг хода реализации проекта с представлением экспериментальными областными управлениями здравоохранения информации в разрезе пилотных и экспериментальных районов. По выявленным неточностям и несоответствиям принимаются меры и вносятся объективные решения по ходу реализации проекта.

Хотелось бы пожелать газете «Здравоохранение Узбекистана» в 2003 году новых успехов в деле пропаганды здорового образа жизни. А также того, чтобы в будущем газета, наряду с достигнутыми успехами, выступала с критическими оценками о ходе реализации проекта «Здоровье», отражала больше объективных мнений населения о проводимой реформе в стране, с тем, чтобы эти мнения послужили катализатором при определении последующих шагов.

# ХАЛҚ БАҲО БЕРСИН

**– Роза опа Навоий, Сирдарё, Фарғона вилоятларидаги ҚВП ва лабораториядаги замонавий шароитларни кўрганимизда (жиҳозлар, ноёб аппаратлар, гўзал бинолар) сиз кўз ўнгимизда гавдаланасиз. Бизнингча бу ютуқлар сизнинг меҳнатингиз самараси бўлса керак.**



**Роза МУҲАМЕДИЯРОВА, «Саломатлик» лойиҳасининг координатори.**

– Эҳтимол шундайдир. Аввало менинг меҳнатимга халқ баҳо берсин. Аслини олгандаку, уч йиллик меҳнатларимизнинг самараси ўзига хос қийинчилигу муаммоларни ортда қолдирди. Лекин қишлоқ врачлик пунктларимизнинг замонавий тарзда қурилиши, жиҳозларнинг етиб келиши ҳамда уларнинг жойлашуви осон бўлгани йўқ. Бунинг учун қанчадан-қанча меҳнаткаш инсонлар беминнат хизмат қилишди. Шунингдек, Жаҳон банкидан келтирилган жиҳозлар ва ноёб аппаратларни ўзига хос техник усулда жойлаштиришларни айтмайсизми? Лаборатория столлари, функционал кровать, ҳар хил шкафлар, текширув столлари, қуруқ-иссиқ ҳаволи шкаф-стерилизатор, ингалятор, йўргаклаш шкафлари, ЭКГ аппарати, бинокуляр микроскоп, музлатгич-совутгичлар, ларингоскоп, офтолмоскоп, кислород концентратори, автоклав, қўл билан нафас бериш аппаратлари, гинекологик ва терапевтик жиҳозлар, центрифуга сув дистилятори, кўп марта ишлатиладиган шприц ва игналар, штативлар, кислород баллончалари, шиналар, сфигмометр ва бошқа бир қанча асбоб-ускуналарни вилоятларга тарқатиб, ўз ўрнига қўйиб ҳамда бизни шароитга мос равишда ишга туширишимизнинг ўзи ҳам анчагина вақтни талаб қилди десам хато бўлмас.

Бугунги кунда ҚВП ва лабораториядаги шароитлар халқимиз соғлиғи йўлида қанчалик қулайлик туғдириб, улар қалбларини шод этиб, дардларига даво айлаётган бўлса мен ўзимни ниҳоятда бахтиёр ҳис этган бўлардим.

**– Аёллар учун бундай фаолият кўрсатиш қийин эмасми?**

– Биласизми, ҳар бир инсон ҳам ўз касбининг фидойиси бўлса, ҳеч қандай тўсиқ унинг ишларига ғов бўлолмайди. Бунинг учун инсоннинг ўзида эътиқод бўлмоғи лозимдир. Шу ўринда бир чиройли гапни айтмоқчиман. Аёлнинг оила ва жамиятдаги ўрни ўзгачадир. Бир-бирига чамбарчас боғланган бу сўзлар сиз берган саволни ифодалаб бериши мумкин. Чунки хонадонларда аёлсиз гўзаллик, иффат, меҳрибонлик бўлмаса керак. Жамиятда эса улардаги ҳалоллик, меҳнатсеварлик, хушмуомалалик, талабчанлик аёллар фаолиятига хос деб ўйлайман. Агар аёл жамоада ўз ўрнини яхши билса, бажараётган ишининг мазмун ва моҳияти нимадан иборат эканлигини англаб етса, фаолиятида юксак ютуқлар унга ҳамроҳ бўлаверади.

**– Газетамиз тўғрисида фикр, мулоҳаза ва таклифларингиз.**

– Тўғрисини айтсам, газетангиз Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ягона нашри бўлса керак-ки, бутун республикада тиббиёт ходимларининг ҳурмати унга ниҳоятда баланд. Чунки фаолиятим давомида газетангизни ўқимишли, муштарийларингиз учун қизиқарли эканлигига гувоҳ бўлдим. Демак, 3 йил давомидаги ҳамкорлигимиз асосида лойиҳа доирасида амалга оширилган ишларимизни ҳар томонлама тарғиб қилганингизни ўзи ҳам фаолиятимиздаги ютуқларимиздан биридир. Мен истайманки, 2003 йилда газетангиз ўзига хос йўналишда бўлиб, ҳар бир хонадоннинг севимли таянчига айлансин. 10 минг нусхадаги газетангиз 25 минг нусхага етсин. Ҳамкорлигимиз доимо давом этаверсин.

***Яқинлашиб келаётган 2003 йил вилоятимиз соғлиқни сақлаш тизимида муҳим ва фойдали ишларни амалга ошириш имкониятини берди. Яъни йилдан Жаҳон банкининг «Саломатлик» лойиҳаси бўйича амалга оширилиши кўзда тутилган вазифалар аҳоли саломатлигини тиклашга ва қишлоқ жойларда тиббий-маданий хизматни яхшилашга қаратилганлиги ҳақидаги режалар барчамизга кўтаринки кайфият ва қувонч бағишлади. Жорий йилда шу кайфиятни йўқотмаган ҳолда катта ишларга қўл уришни олдимизга мақсад қилиб қўйдик. Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистонимиздаги тиббиёт ходимларига, ҳамкасбларимга янги йил табригини йўллайман.***

***Барчага тинчлик, сиҳат-саломатлик ва бахт тилайман.***

**Абдураҳмон НОСИРОВ,**
**Навоий вилояти Соғлиқни сақлаш Бош бошқармасининг бошлиғи.**

Машҳур юлдузлар тақдири

# «ЎТАЁТГАН ҲАР БИР КУНИМИЗ СИНОВ...»

***Халқимизнинг севимли санъаткори Ҳалима Носированинг номи ўзбек театр мусиқаси ва опера санъатининг вужудга келиши ва тараққиёти билан чамбарчас боғланган. Ҳалима Носирова ўзининг ижод йўлини 1927 йилида Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театри саҳнасидан бошлади. Бу ерда у ўзбек, рус ҳамда чет эл драматурглари асарларининг бир қатор етакчи ролларини зўр маҳорат билан ижро этди. Устозлари ажойиб опера артистлари Софья Ивановна Друзяйкина ва Антонина Васильевна Неждановалардан сахна сирларини ўрганди. Унинг «Лолахон», «Аршин мололон», «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» ва бошқа кўпгина спектакллардаги бош ролларини бугунги томошабин ҳозир ҳам эслайди. Ҳалима Носированинг номи ва унинг санъати мамлакатимиздагина эмас, балки чет элларда ҳам машҳурдир. У гастроль сафарлари билан ер юзининг 19 та давлатида бўлган. Санъаткор бу хорижий юртларда ўзбек миллий санъати шуҳратини катта муваффақият билан тарғиб этди.***

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ҳалима Носировани 2000 йилнинг 25 августида «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирлади.***



### «ЎТМИШДАН ЭРТАКЛАР»

Қўқон хони золим Худоёрхон билан Муҳаммад Носир (Аъллам) ўртасида низо пайдо бўлиб, хон бу ашулачини мол-мулкидан жудо қилдириб, чекка қишлоқ жойга ҳайдаб юборди. Турмуш ўртоғи Хосиятхон беқасам тўқийдиган ҳунармандининг қизи бўлган. Уни Аъллам-хон деб чақиришарди. У аёллар ичида илмли, Навоий ашъори – ижодини, халқ қўшиқларини яхши биладиган ақлли, чиройли аёл эди. Муҳаммад Носир унинг олдида сариқдан келган, татарларга ўхшаб кетадиган, семизлиги билан кўзга ташланар эди (шоир Муқимий шеърларидан бирида Ҳалима Носированинг дадаларини тасвирлаган). У танбур чалиб, мақом айтишни яхши биларди. Ушшоқнинг уч-тўрт хилини қиёмига етказиб куйларди. Ёввойи ушшоқни у кишидан бошқа ҳеч ким уддалай олмасди. Истеъдодини ишга солиб тирикчилик қилиш ниятида шоир Завқий, Муқимийлар билан Қирғизистон томонларга кетарди. Уйда ёлғиз қолган хотини ва болалари очликдан қийналишарди: Она фарзандларига овқат топиш илинжида паранжи ёпиниб кўчага чиқарди. Одамларнинг аравасидан тушиб қолган пахта толаларини ердан териб, уйига олиб келарди. Пахтани қуритарди, титади, чигитини ситиб ёғини сувга солиб қайнатади. Бу таомга топилса кўк майса ёки ёввойи ўт аралаштиради. Очликдан болаларнинг ичаклари қуриб, ёпишиб қолмаслиги учун шу бемаза таомни тановул қилишарди. Вабо тарқалди. Оилада учта фарзанднинг ёстиғини қуритди. Орадан кўп ўтмай Муҳаммад Носир дунёдан ўтди. Ночорлик Хосият аяни ўз фарзандлари билан Қўқонга кўчиб кетишга мажбур этди.

### «НОҒОРА ДЎЛҒОН»

Ҳалима оилада тўққизинчи қиз. Охиргиси ягона ўғил. Бу ўғилни жуда эркалатишган. У ҳам ашула айтарди. Уни касир-кусир дейишарди. Биттаси баҳиллик қилиб, чойига сурма қўшиб бердию, йигит овоздан қолди.

Ҳалима эса жарангдор овоз билан дунёга келди. Худойимнинг унга берган ноёб совғаси мана шу овози эди. У ёшлигидаёқ кучли ва таъсирчан овози билан қўшиқлар айтар, уни тинглаб ажабланганлар: қаердан келиб қолди бу «ноғора дўлғон» дейишарди. Ҳалима болалигидан очлик, етимлик, айрилиқ азобларини кўрди. Жуда эрта оғир ҳаёт, ғам-андуҳларни ўз бошидан кечирди. У болалар уйида тарбияланди. Кучли ва жозибали, ўткир ва таъсирчан, ширали, ҳамда кенг диапазонли сопрано овози билан халқ орасида Ҳалима Носирова бўлиб танилди.

XX асрнинг 30-йилларида у ўзбек театр мусиқаси ва опера санъатида ёрқин юлдуз бўлиб порлади.



### БЕРЛИНДАГИ БАХТСИЗЛИК

Урушдан кейинги йилларда хонанданинг бошига оғир кунлар тушди. 1952 йили у Берлин шаҳрида автоҳалокатга учради. Бахтсиз ҳодисадан қаттиқ жароҳат олган аёл қўл-оёқ, елка суяги синиб, гипсда 3-4 ойгача шифохонада ётди. Бу воқеадан хабар топган ғанимлар: «Ҳалима энди ҳеч қачон саҳнага чиқа олмайди», дея ич-ичидан суюнишарди. Санъаткор аёл заифликни енгиб, яна саҳнага қайтди. У одамларнинг қарсак ва олқишларисиз, ёлғизликда яшай олмас, томошабиннинг меҳр-муҳаббати жуда зарур эканлигини ҳис қилар эди. Ўзини аямади. Ноқулай автобусларда, бузилавериб тинкани қуритадиган юк машиналарида, пачоқ ўрис араваларида йўл юриб, узоқ жойларда чанг ютиб концертлар берар, қишлоқнинг лой-зах, изғиринларида эрталабгача қолиб кетган кунлари кўп бўлган. Шундай шароитларда Ҳалима Носирова астма касаллигига чалинди. Бўғилиш хуружи саҳнага чиқишига қаршилик қилсада, ширали овози ўз кучини йўқотмади. Бу ҳам Оллоҳнинг иноятидан. Хонанданинг шахсий шифокори бор эди. Унга Арабистондан ҳар хил дорилар олиб келиб берарди. Яхши шифокор эди. Ўлгунича опани дуо қилиб яшади. Актриса аёл узоқ чўзиладиган спектакллардан чарчаб, ҳолдан тойганида иссиқ ванна қабул қиларди. Сув чарчоғини оларди. Тоби қочиб қолган кунларида ҳеч қачон таблетка ичмаган. Табиий гиёҳлардан дори тайёрлашни ўзи яхши биларди. Бу илмни онасидан ўрганган. Шу усул билан ўзини ўзи даволарди.

1963 йил Ҳалима Носирова ноҳақликдан, адолатсизликдан қаттиқ эзилди. Уни депутатликдан четлаштиришди. Бу воқеа санъаткорнинг руҳий асаб тизимини шикастлади. Опа нохуш кунларни шундай эслайди:

– Жуда сиқилдим, оёқ-қўлларимдаги тирноқларим тўкилиб кетди. Кечалари эсим оғиб, тунги кўйлакда кўчага чиқиб кетар эдим. Ота-онамнинг руҳи кўзимга кўриниб, менга далда берди. Аста-секин тузала бошладим. Шифокорлар қўлларимга сунъий тирноқлар қўйишди. Мени операция қилишди. Иродали эканман, яна ҳаётга қайтдим.

### КЕКСАЛИК ҲАҚИДА

Узоқ умр кўраётганлигининг сирини санъаткор аёл тиббий ва диний томондан изоҳлашга уринади:

– Ота-онам соғлом одамлар бўлишган. Онам азоб-уқубатли ҳаётни кўрмаганида 87 йилдан ҳам кўпроқ умр кўрган бўлармиди. Узоқ яшаш одати онамдан менга мерос. Аммо тақдирларимиз бошқа-бошқа. Санъатим орқали бутун дунёни кездим. Ҳаёт гўзалликларидан баҳраманд бўлдим. Халқнинг меҳр-муҳаббати, олқишлари менга куч-қувват, ғайрат-шижоат, хурсандчилик бағишлади. Касбимни севганлигимдан чарчаш нималигини билмаганман. Вақтнинг қадрига етдим. Одамларга шодлик улашиб яшадим. Томошалардан сўнг қучоғим гулларга тўлиб, гулдурос қарсаклар остида ёшу қари уйимгача кузатиб қўйишарди. Бу қувончдан ухлай олмас, ижод ишқида ёнардим. Турмуш ўртоғим ёзувчи Комил Яшин билан кечган бахтли ҳаётимнинг сабабчиси ҳам ижод ва санъатдир. Шу нарса сабаб бир-биримизни тўлдириб, мазмунли турмуш кечирдик. Қалбимда катта армоним бор. Иккита фарзандимга она бўлиб тарбия бера олмадим. Улар менинг меҳримдан бебаҳра катта бўлишди. Ўз уйимда яқинларим билан яйраб яшай олмадим. Доимо эл хизматида бўлдим.

Ўта кексаликни бошдан кечиришимнинг яна бир сабаби Оллоҳ – ул зот бандаси қанча йил умр кўришини ўзи билади. Парвардигор бизни яратгану ихтиёримизни ўзимизга бериб қўйган. Икки дунё саодатига эришишни истаганлар бу ҳаётдан ўзига имон-эътиқодни, тоат-ибодатни, шарму ҳаё, ор-номус, одамийлик, меҳр-муҳаббат, садоқат, тўғрилик, яхшилик каби кўркам фазилатларни олади. Бу дунё бир кам дунё. Ками ҳеч тугамайдиган дунё. Умр инсонга эзгу ишлар қилиш учун берилган. Ўтаётган ҳар бир кунимиз синов.

*Яқинлашиб келаётган 2003 йилнинг биринчи санасида таниқли санъаткор Ҳалима Носирова 90 ёшни қаршилайди. Бу ёшга етиш онахонга осон бўлгани йўқ. Яшаб ўтган умрининг яхши-ёмон зарбалари айни кунда санъаткорнинг соғлигига салбий таъсирини ўтказмоқда. Кексалик куч-қувватини олиб қўйган мўътабар инсонга сабр-бардош, бардамлик тилашдан бошқа нарса қўлимдан келмади. Машҳур инсоннинг уйидан чиқиб кетар эканман, Фариддин Атторнинг қуйидаги мисраларини эсладим:*

***Ёшмисан, кексами сен ҳурмат айла,***
***Ўзинг ҳам қарийсан, ҳозирдан ўйла.***

***Рашид ОРТИҚОВ.***

# ЧЕМ ПОРАДУЕТ НАС ГОД КОЗЫ?

***2003 год по восточному календарю год Козы – животного мирного, хотя иногда и капризного. Будем надеяться, что эта символика задаст основную направленность года, сделает его для нас более спокойным и стабильным, чем годы предыдущие, и подарит больше возможностей заниматься нашими собственными, личными, человеческими проблемами...***

Сразу хотим сказать, что каких-то особых радостей или фантастических подарков этот год не принесет. В первую очередь в год Козы усиливается ответственность за то дело, которому вы служите. Это означает, что каждый из нас должен четко представлять свои обязанности и выполнять взятые на себя поручения. Внимательно прислушайтесь к нашим советам и по возможности постарайтесь их выполнять...

По восточному календарю это год Черной или Водяной КОЗЫ.

Цвета этого года – РЫЖИЙ, ЧЕРНЫЙ И СИНИЙ.

Люди часто от звезд ждут сюрпризов или наказний, при этом забывая, что им советуют астрологи. Когда же что-то не получается, человек сетует: «Ну вот, ваш прогноз неверен», хотя он сам никак не содействовал его выполнению. Не стоит буквально воспринимать информацию. Если говорится, что день предстоит тяжелый, это вовсе не означает, что нужно опустить руки и впадать в отчаяние. Основа к восприятию наших рекомендаций – позитивный и конструктивный подход, при котором любой настрой идет на создание положительной картины окружающего мира, на умение увидеть в каждом человеке лучшее и ни в коем случае не унывать. Не забывайте три основных закона Космоса: «Мысль материальна», «Все вокруг живое» и «Мы в ответе за свои поступки». Говоря о прогнозе на 2003 год, хотелось бы несколько слов сказать о том, что ожидает в год Козы каждого из представителей восточного гороскопа.

**Крыса**

Очень непросто придется в год Козы Крысе. К сожалению, ее энергии и смелости будет не достаточно, чтобы, как обычно, стремительно двигаться вперед. Не лучше ли на время затаиться и накопить силы, которые очень понадобятся в будущем?

**Бык**

Наступающий год благоприятен для Быка. Вероятнее всего, он сумеет наконец-то создать прочную семью и значительно улучшить материальное положение. Однако не стоит забывать, что для достижения цели ему нельзя лениться – вряд ли счастье упадет с неба, надо приложить немало усилий.

**Тигр**

Для Тигра все зависит от него самого: насколько он будет смел, решителен и предприимчив, настолько удачлив. Не надейтесь на чью-либо помощь, действуйте стремительно, опираясь на собственные опыт и интуицию.

**Кролик**

Кролику же, напротив, прежде чем что-то предпринять, необходимо тысячу раз все обдумать и взвесить и ни в коем случае не просчитаться даже в мелочах – возможны серьезные неприятности и ошибки из-за этого. Как можно четче организуйте свою работу и будьте аккуратны во всем.

**Дракон**

Судьба весьма благосклонна в год Овцы к Дракону. Вы сумеете реализовать свои стремления и, как результат, вас ждет повышение по службе. Не упустите свой шанс!

**Змея**

Змее придется потрудиться – в этом году у вас все будет валиться из рук. Лучший совет для хитрой Змеи: используйте год для раздумий и переоценки ценностей. Постарайтесь вынести уроки и хоть немного изменить себя к лучшему.

**Лошадь**

Лошади не привыкать – как обычно, ей предстоит много работать. Не отказывайтесь от работы, даже если чувствуете, что еще немного – и ваши силы иссякнут. Постарайтесь правильно распланировать время и беритесь сразу за главное. Вас ждут приятные сюрпризы от близких.

**Овца**

Это ваш год. Но не спешите радоваться. Именно на вас лежит огромная ответственность за судьбы близких и дорогих вам людей. Основная задача – пристально наблюдать, а при необходимости помочь словом или делом. К сожалению, это роль неблагодарная, но весьма почетная.

**Обезьяна**

От обезьяны потребуется много фантазии. Не стесняйтесь проявлять творчество во всем, за чтобы вы не взялись. Этот год ни в коем случае нельзя прожить так же как предыдущий. Меняйтесь, ищите новые пути для реализации своих идей, будьте активны. Весьма полезными и, конечно, интересными окажутся поездки за рубеж.

**Петух**

Родившимся в год Петуха можно посоветовать как можно больше путешествовать в этом году. Вам нельзя сидеть в одном месте, напротив, нужно активно заводить новые знакомства, ездить, впитывать новую информацию. Чем больше у вас появиться друзей, тем прочнее окажется ваше социальное положение.

**Собака**

Собака просто обязана бросить свои силы на укрепление семьи. Используйте любую возможность для общения с близкими, не скупитесь на проявление чувств, дарите подарки любимым. Но вместе с этим не упускайте из виду перемены, касающиеся дела, которым вы занимаетесь.

**Свинья**

Свинье лучше провести год в некотором уединении. Это вовсе не значит, что надо полностью отойти от дел и свести к минимуму все контакты и встречи. Больше времени уделяйте себе и своей душе, изучая и раскрывая ее богатства.



## ЯНГИ ЙИЛНИ КИМ ҚАНДАЙ КУТАДИ?

**Шотландияликлар** учун байрамлар ичида энг суюклиси янги йилдир. Айём дастурхони учун махсус ёнғоқ мағиз ва майиз солинган нонлар пиширилади. Соат тунги 12 ни кўрсатганда эски йил чиқиб кетиши ва янги йил кириб келиши учун барча хонадонларнинг эшиклари ланг очиб қўйилади. Янги йилнинг қандай ўтиши хонадонга биринчи бўлиб ташриф буюрган кишининг қиёфаси қандайлигига боғлиқ бўларкан.

* * *

**Хитойда** Янги йил – чироқлар байрами ҳисобланади. У янги йилнинг 15-кунида нишонланади. Янги йил эса фақат январь-февраль ойларида кириб келади ва баҳорнинг бошланишини эслатади. Хитойликлар ҳам кўп асрлар давомида совуқ ва изғирин билан чироқлар ёруғлиги остида хайрлашиб, табиатнинг уйғонишини кутишган. Йил рамзи чироқларни безаш мавзуига ҳам таъсир ўтказади.

***

Байрамга бир кун қолганда **Колумбия** кўчаларида қўлларида катта қўнғироқларни кўтариб юрган кишиларни учратиш мумкин. Одамлар барча яхшиликлар учун қўнғироқчаларга миннатдорчилик билдиришиб хайрлашишади.

***

**Голландияда** байрам дастурхонига майизли кулча қўйилади. Бундай ширин кулчалар бир марта тайёрланади. Ярим тунда эса денгиз кемалари гудок чалиб, Янги йил келганидан дарак беради.

***

**Бирмада** Янги йил энг иссиқ вақтга тўғри келади. Маҳаллий удумларга кўра кишилар бир-бирларига сув сепадилар.

***

**Франция** жанубида Янги йилда чашмада биринчи бўлиб сув тўлдириб олган уй бекаси булоқ олдида байрам дастурхонига аталган ширинлик қолдирар экан. Унинг ортидан келган аёл ширинликни олиб, ўрнига ўзиникини қолдиради – шу тариқа уй бекалари кечгача бир-бирларини меҳмон қилишади.

***

**Венгрия** қишлоқларида янги йил оқшоми бўйдоқларнинг яйрайдиган куни. Йигитлар келиннинг, қизлар эса бўлажак куёвнинг уйи олдига келиб қўшиқ айтиб рақсга тушадилар.

***

**Японияда** шаҳар-қишлоқлардаги эҳромларда қўнғироқлар 108 марта занг уради. Занг садолари радио орқали ҳам таралади. Шунда одамлар гўё ўзларининг йил бўйи қилган гуноҳларидан халос бўлишар эмиш.

***

**Италияда** жуда қизиқ одат бор. Янги йил кечаси одамлар кераксиз уй жиҳозлари, дарз кетган илиш-товоқларни деразадан ҳовлига улоқтирадилар. Бу – бахт келтирар эмиш.

**Т. АЗЛАРХОНОВ тайёрлади.**




***<u>Янги йил деганда оқ пўстин, бошига қизил қалпоқ кийиб, қўлига ҳасса ушлаган ва елкасига совғалар тўла қопчиқ ортиб олган узун соқолли афсонавий нуроний чол – Қорбобо кўз олдимизга келади. Лекин унинг қачондан бери бизнинг янги йил меҳмонимиз бўлиб қолганини кўплар билмаса керак.</u>***

## *ҚОРБОБО НЕЧА ЁШДА?*



Қорбобо жуда қари – минг ёшдан ошиб кетди. Даставвал, мажусий диний тасаввурда Қорбобо шимолдаги совуқ шамол худосининг тимсоли бўлган. Афсоналарга кўра, бу худо муздан қурилган қасрда ҳар йили қишда Қуёш юзини тўсиб, фақат баҳордагина унинг юзидан пардани олармиш.

Кейинчалик у муз билан дарёни занжирлаётган паҳлавон темирчи, сўнгра эса бизга таниш Қорбобо тарзида ифода қилинадиган бўлди. Вақт ўтиши билан Қорбобо мажусийлар динидаги муқаддаслик маъносини йўқотиб, одамларнинг дўстига айланди.

Янги йил кириши арафасида у ҳар турли совғаларга тўлдирилган қопчиғини елқасига ортиб, инсонларни бахт-саодат ила табриклаш учун узоқ шимол ўрмонларидан келади.

Қорбобонинг бир елкасида арча, бир елкасида қопчиқ олиб ўрмондан чиқиб келаётгани кўпинча янги йилга атаб чизилган расмларда тасвирланади. Зеро, янги йил байрамида фақат Қорбобо бўлиши кифоя эмас, балки арча ҳам бўлиши керакда!

Финларда Қорбобо ўрнига болалар ҳузурига қизил пўстин ёпинган... эчки келиб, совға-салом улашади.

Хуллас, Қорбобо ҳам, Қорқиз ҳам, арча ҳам Янги йил элчиси ҳисобланиб, эзгу мақсад учун хизмат қилади.

**Азиз ВАЛИЕВ тайёрлади.**

## *БАЙРАМ ТАБАССУМИ*

Жарроҳ бир хонимни пластик операция қилиб, бурнини бинойидек қилиб қўйгач, у кўзини ҳам кенгайтириб қўйишни илтимос қилди.

– Операция учун тўлайдиган ҳақингизни айтганимда, – деди врач уни хотиржам қилиш учун, – кўзингиз шундоғам ўз-ўзидан катталашиб кетади.

* * *

Американлик бир врач:

– АҚШдаги врачларнинг кўпчилиги пул кетидан қувиб, кераксиз операцияларни қилишади, деб газета ёзаётганлари ёлғон, – деди. – Масалан, менинг ўзим, қачон пул зарур бўлиб қолса, ўшандагина операция қиламан.

* * *

Врач деди:

– Агар операция қилиш муқаррар бўлиб қолса, унга ҳақ тўлай олармидингиз?

– Агар, – деди бунга жавобан бемор, – менинг ёнимда пул бўлмаса, операция қилиш зарур, деб ҳисоблармидингиз?

* * *

– Бемор! Нимага сиз санаторийнинг тартиб-қоидасини бузаяпсиз? Кеча тун бўйи карта ўйнаб чиққанингиз тўғрими?

– Тўғри, лекин мен навбатчи врач кузатуви ва иштирокида ўйнадим.

## АСТРОЛОГИЧЕСКИЙ ПРОГНОЗ

### НА ГОД КОЗЫ

**ОВЕН** .В этом году вам придется выбирать – большая любовь или большие успехи. Год будет похож на качели: ринетесь в дела – потом придется краснеть перед любимым человеком, окунетесь с головой в чувство – упустите большие возможности. А тут еще и дети весь год под ногами будут вертеться и требовать к себе внимания. И только к осени наконец-то вам удастся все это совместить.

**ТЕЛЕЦ**. Мышка-норушка в сказках заботилась о комфорте своей норки и совсем не думала о подвигах. Вот и вам не надо. Все ваше внимание – дому и своим близким. Тащите все в свою норку и не думайте о карьере и прочей героике. Если вы в этом году вбухаете все деньги в крупную покупку, жена вас только похвалит. Впрочем, если вы еще не обзавелись норкой, то самое время подумать об этом.

**БЛИЗНЕЦЫ.** В сказках зачастую побеждает не тот, кто сильнее, а тот, у кого больше добрых знакомых. Ваша задача на этот год – обзавестись верными друзьями. Возможностей для этого будет предостаточно. А если вы еще и решите за этот год научиться чему-нибудь новому – совсем прекрасно.

**РАК**. Вроде бы живете вы сытно, вроде бы и проблем никаких нет, только вот почему-то гложат сомнения. Гоните сомнения прочь – год будет очень стабильным и прибыльным. Вы не только не будете бедствовать, но и сможете кое-что скопить. Так что в конце года вас будет мучить уже совсем другой вопрос – на что бы такое еще потратить деньги.

**ЛЕВ**. Наконец-то царь зверей и всего Зодиака может побыть самим собой. С одной стороны весь год вы будете в центре внимания, вам удастся оседлать удачу и понежиться в лучах славы и любви, а с другой – ради всего этого вам ничего не придется делать. Пока другие охотятся, вы, как настоящий лев, можете спокойненько полеживать под баобабом, щуриться на яркое солнышко и принимать подарки.

**ДЕВА**. Если вам надоела суета и общение, то сейчас вы наконец-то сможете вздохнуть свободно. Весь год вы будете наслаждаться покоем и приятным обществом... с самим собой. Если же вы любите насыщенную жизнь, то, увы, придется поскучать. Несладко придется в новом году и ценителям прямых, логических путей в жизни – мир вокруг вас будет наполнен мистикой и тайнами, где логика и здравый смысл бессильны.

**ВЕСЫ**. Наконец-то можно и помечтать. Не стесняйтесь – в этом году возможно все, даже самым смелым планам, самым фантастическим идеям и сумасшедшим авантюрам сейчас будет сопутствовать удача. Да и вы сами в новом году вряд ли сможете пожаловаться на невезение – приятных неожиданностей и сюрпризов будет множество. Не бойтесь риска, риск в этом году – дело благородное и оправданное.

**СКОРПИОН**. Людям, стремящимся сделать карьеру, всегда кто-то мешает. В этом году вам станут мешать домашние хлопоты и домашние проблемы. А устраивать их будут ваши родители, которые самым беззастенчивым образом примутся вмешиваться в вашу жизнь. Кроме того, именно этот год развеет иллюзии некоторых Скорпионов о том, что они являются главой семьи и хозяином в собственном доме.

**СТРЕЛЕЦ**. Афанасий Никитин ходил за три моря. Иван-царевич побывал в тридевятом царстве. Вот и вам в этом году наверняка где-нибудь придется побывать: грядет путешествие или длительная зарубежная командировка. Да и мысли ваши весь год будут очень далеко от родных пенатов. А вообще-то, год обещает стать очень удачным. Вы сможете укрепить свой авторитет и расширить сферу своего влияния, хотя при этом вам и придется заниматься чужими делами и решать чужие проблемы.

**КОЗЕРОГ**. Копите силы: весь год придется бороться за свое место под солнцем и доказывать окружающим, что вы не зря едите свой хлеб. Да и хлеб, увы, в этом году окажется без масла. С деньгами будет не густо, вернее, непонятно. И при этом вас еще будут всячески соблазнять рискнуть своими кровными. Не рискуйте ни в коем случае! Но и не отчаивайтесь. Осень решит все ваши проблемы и с лихвой компенсирует все неприятности.

**ВОДОЛЕЙ**. Какие бы планы ни связывали с этим годом, сейчас от вас мало что зависит. Ваша судьба в руках тех, кто находится рядом с вами, – супруга, деловых партнеров, просто знакомых, а порой и незнакомых людей. А ваша задача на этот год – постараться сделать так, чтобы вас окружали только приятные личности.

**РЫБЫ**. Если вы подобно барону Мюнхгаузену запланировали на этот год подвиг, то вам придется изменить свои планы или весь год безуспешно изображать из себя героя. Увы, случая проявить себя не представится, да и не оценит сейчас никто вашего рвения. Весь год судьба будет подбрасывать вам лишь скучные второстепенные роли и рутину.

«Йўлкўприктаъмирихтисос» трестига қарашли МҚТБ (махсус қурилиш-таъмир бошқармаси)

**ТУГАТИЛАДИ.**

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент, Қорасарой кўчаси, 341"А». Тел: 48-57-34.

«Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш»
«Здравоохранение Узбекистана»
Газета муассиси: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Бош муҳаррир: С. ОРИПОВ, профессор.
Ижрочи муҳаррир: И. СОАТОВА.
Таҳрир ҳайъати: М. МИРАЛИЕВ, П. МИРПЎЛАТОВ (Бош муҳаррир ўринбосарлари), Х. РАББАНАЕВ.

Манзилимиз: 700060, Тошкент, Охунбобоев кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: 133-13-22; тел. 133-57-73.
Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Қўмитасида рўйхатга олинган, гувоҳномаси № 00504.
Адади 10.000 нусха.
Ўзбек ва рус тилларида чоп этилади.
Ҳафтанинг сешанба кунлари чиқади.
Мақолалар кўчириб босилганда «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш»»дан олинди деб кўрсатилиши шарт.
Буюртма Г-1016.

*Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзилгоҳи: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.*
*Ҳажми 2 босма тобоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.*
Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.
Саҳифаловчи: Анна ХОХЛОВА
Босмахонага топширилиш вақти 20.00.

Топширилди 20.00.